ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 70 (9.567) 2001 йил 18 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

Илгари хабар қилинганидек, 14-15 июнь кунлари Хитойда Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

— 15 июнь эрталаб «Шангрила» меҳмонхонасида Шанхай саммитига ташриф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбарлари нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур учрашув дунё сиёсий тарихига кирадиган воқеа бўлганини, беш йил аввал ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган тузилма бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланганини таъкидлади.

— Биз Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз, — деди Ислом Каримов.

Диққатга молик томони шундаки, Шанхайда нуқтаи назари, қарашлари ва сиёсати Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга бевосита боғлиқ давлатлар раҳбарлари йиғилди. Булар орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги эътиборга молик. Ислом Каримов шуларни таъкидлар экан, Ўзбекистон онгли равишда Шанхай тузилмасига қўшилганини, бу қўшилиш баробарида сифат ва фаолият кўлами жиҳатдан бутунлай янги ташкилот таъсисчиси бўлганини қайд этди. Бу ташкилот фаолиятига оид фикрларни билдириб, ечимини кутаётган бир неча долзарб муаммони санаб ўтди. Албатта, биринчи навбатда, Афғонистон можароси қайд этилди. Бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади. Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-биридан айри муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиардлаб долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда ва турли ваҳшийликларга йўналтирилмоқда. Бу тизим ғоят яхши мувофиқлаштирилади. Демак, унга қарши баҳамжиҳат курашилмаса, натижада кутилганидек бўлмайди.

Ислом Каримов қўпорувчи ёллайдиган марказлар асосий эътиборни иқтисодий қийинчиликлар, демографик муаммолар ва бошқа сабабларга қаратишини таъкидлаб, бунинг олдини олиш учун халқларимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида ҳамкорлик қилиш лозимлигини айтди. Президент самарали ҳамкорлик имкониятлари мавжуд бўлган қатор соҳаларни қайд этиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалиши ҳам тобора долзарб муаммога айланаётганини таъкидлаб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш жараёнини тезроқ якунига етказишда БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой ёрдамига умид билдирди.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти қуруқ баёнотлардан иборат бўлиб қолмаслиги, қарорлар пухта ўйланиб, келишилиб, аниқ фойда келтиришига амин бўлган ҳолда қабул қилиниши лозимлигини ҳам айтиб ўтди.

Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари бошқа қатнашчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Музокараларда қабул қилинажак ҳужжатлар, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида декларация қабул қилинди ва террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди. Декларацияга биноан янги ташкилотнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничилигини мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат. Ҳужжатда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва таъминлашдаги биргаликда ҳаракатларнинг муҳимлиги таъкидланади.

Саммит иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувини 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказишга келишиб олди.

Шанхай саммити доирасида, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Шундан сўнг ХХР Раиси саммит қатнашчилари шарафига зиёфат берди. Шу билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ниҳоясига етди.

Тошкентга қайтиш олдидан Хитой томони таклифига биноан Президент Ислом Каримов ХХР раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган сиз — илм ва ҳунар соҳибларини ўқишни муваффақиятли тамомлаганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади.

Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданоқ бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти — ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айни пайтда тарихий қадам бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Қадрли фарзандларим!

Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамларда сиздек бахтиёр авлоднинг чеҳрасига боқиб, ана шундай улуғ мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўйлайманки, мустақил тараққиётимизнинг устувор йўналишини ташкил этадиган соғлом авлод ҳаракатининг дебочаси сифатида мана шундай улкан ўзгаришлар давридаги имкониятлардан баҳраманд бўлиш бахти айнан сизларга насиб этаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Сизларнинг номингиз бекиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим боскичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, навқирон авлоднинг хоҳиш-иродасини, жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиздек ўғил-қизларимизни олдинда янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга, не-не синовлар, юксак довонлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда.

Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яккаю ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим. Мана шундай инсоний фазилатлар, бир умр комилликка интилиб яшаш, касбга садоқат туйғуси сизларни асло тарк этмасин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, азму шижоат, мардлик ва матонат доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бугун — ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман.

Мана шу унутилмас дамларда сизларга Яратгандан энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Истиқлол ва тараққиёт йўлида қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ҚИСҚА сатрларда

❐ **ЎЗБЕКИСТОН** почта ва телекоммуникация агентлигида хорижий давлатларнинг шу соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган брифинг «Телекоммуникация ва почта хизматини ривожлантириш» деб номланди.

❐ **ТОШКЕНТ** Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида талабалар иштирокида «Конституция — менинг иқболимда» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

❐ **ЖАҲОН** андозаларига мос равишда чет эл технологияси асосида хорижда малака ошириб қайтган йўлсозлар иштирокида мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида қурилаётган Халқлар дўстлиги кўчасидаги бош йўлга 40 минг тонна асфальтбетон ётқизилди.

❐ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган тадбир кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқич якунлари ва келгуси босқич режаларига, истиқлол айёми ҳамда мазкур илм даргоҳи ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишланди.

❐ **ПОЙТАХТИМИЗДА** жойлашган Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбекистонлик талабаларнинг Германия билим даргоҳларига ўқиш учун кетаётганликлари муносабати билан тадбир ўтказилди.

Мамлакатимизда

● **Бугун** Тошкентда Парламентлар ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтади.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб кейинги йилларда чоп этилган нашрлар кўргазмаси очилди. Унда академия олимларининг мингдан зиёд номдаги илмий рисола, монография ва тадқиқотлари намойиш этилмоқда.

● Минтақавий банк ҳуқуқ марказида республика Марказий банки ташаббуси билан «Кичик ва ўрта бизнеснинг инвестиция лойиҳалари портфелларини шакллантириш» мавзуида бир ҳафталик амалий семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент ижтимоий маърифат маркази тузилмасида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази ташкил топди.

● Ангор туманида ип-йигирув фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Бунга яқинда Россиянинг Иваново вилояти Фурманов шаҳри ва тумани маъмурияти бошлиғи ва Ангор тумани ҳокимлиги билан тузилган ҳамкорлик шартномаси асос бўлди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кўргазмалар залида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Бадиий академия ва Навоий вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида Навоий вилоятига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилоят ҳокимлигида «Миллий ғоя — бизнинг ғоямиз» мавзуида семинар ўтказилди.

● Жиззахда вилоят қишлоқ хўжалиги фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республика педиатрия илмий тадқиқот институтида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Болалар хасталикларини интеграцион даволанишини ўтказиш» дастури юзасидан асосий йўналишлар ишлаб чиқилди.

Жаҳонда

● Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Мавлонов Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Шаҳобиддин Аҳмадга ишонч ёрлиги топширди.

● **Кеча** Белградда Россия ва Югославия Президентлари В. Путин ва В. Коштуница ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик масалалари, Косоводаги вазият, шунингдек серб-черногория федерациясининг бундан буёнги мавжудлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Учрашув арафасида Люблянда АҚШ ва Россия Президентлари Ж. Буш ва В. Путин ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқ, Афғонистон ва Болқондаги вазият муҳокама қилинди. Ракетага қарши мудофаа муаммоси музокараларнинг бош мавзуларидан бири бўлди.

● **Кеча** Яқин Шарқда ташриф билан бўлиб турган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес билан учрашди.

● **Кеча** Исроил артеллерияси томонидан Газо ҳудудидаги аҳоли яшайдиган жойнинг ўққа тутилиши натижасида саккиз нафар фаластинлик жароҳатланди. **Кеча** шунингдек Хеврон марказидаги ресторанлардан бирида кучли портлаш рўй берди. Ресторан биноси жиддий шикастланди. Ҳеч ким азият чекмади.

● **Бугун** Польшада «Познань-2001» халқаро кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Ушбу кўргазмага Ўзбекистон ўз экспозицияларини қўйган.

● **Кеча** Хотира поезди Минскка келди. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва Россия ижодий жамоалари унинг йўловчиларидир.

● Л. Кучма Бош прокурор М. Потибеенконинг истеъфога чиқиш тўғрисида баёноти ҳақидаги миш-мишларни асосли деб атади.

● **Кеча** Болгарияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ле-Буржада 44-Халқаро авиасалон очилди.

● **Кеча** Қирғизистоннинг Алматидаги ваколатхонаси Иссиқкўлнинг сайёҳлик салоҳияти тақдимотини ўтказди.

● **Кеча** Москвадаги Катта театрда балет артистлари ва хореографлар халқаро танловининг якунловчи беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Россия, Қозоғистон, Украина, Бразилия, Аргентина, Хитой ва Япония артистлари иштирок этдилар.

● **Кеча** Владивостокдан Копенгагенга қўёш энергиясида ишлайдиган автомобилда япон ҳайдовчиси Ямомото Хисохиро йўл олди. Унинг машинаси бор-йўғи 217 килограмм бўлиб, соатига 90 километргача тезлигини ошириши мумкин. Ҳайдовчи 20 июлда Копенгагенга етиб келишни режалаштирган.

● **Кеча** Тожикистоннинг Тавилдара туманида жума куни қўлга олинган гаровдаги 15 киши музокаралар олиб борилиши натижасида озод қилинди.

● Мўғулистонда грек-рум ва эркин кураш бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 13 мамлакати спортчилари қаторида ўзбекистонлик вакиллар ҳам иштирок этишиб жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

● **Кеча** Москвада илк бор жаҳон театр карнаваллариниг паради очилди.

● Британиялик мусаввир Жозеф Тернернинг акварели кимошди савдосида қарийб уч миллион долларга пулланди.

● Ўзбекистонлик 29 ёшли пианиночи Станислав Юденич АҚШнинг Техас штатида ўтказилган Ван Клиберн номидаги пианиночиларнинг ўнинчи Халқаро танловида олтин медаль соҳиби бўлди.

● Бой-бадавлат кишилар қашшоқларга қараганда кўпроқ аллергия хасталигига чалинар эканлар. Француз шифокорлари ана шундай хулосага келдилар.

● **Кеча** турк маҳбуслари томонидан эълон қилинган очликнинг яна бир иштирокчиси ҳаёт билан видолашди. У 239 кун очликда ўтирди. Ўтган йилнинг октябрь ойида очликни эълон қилиш бошланган эди. Очлик туфайли 24 киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу норозилик намойишида 750 дан зиёд маҳбус қатнашмоқда, улардан 200 га яқини бутунлай овқат истеъмол қилишни рад этмоқда. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, очлик эълон қилганларнинг аксариятининг аҳволи қалтис ҳолатда.







TASHKENT OPEN 2001 UZBEKISTAN

Бьянка Ламаденинг ажойиб ғалабаси

Ўтган жума куни «Тошкент Оупен» турнири беллашувлари қизғин паллага кирди. Чорак финал учрашувида Ирода Тўлаганова кутилмаганда рейтинг рақами ўзидан бир оз паст бўлган испаниялик Кристина Торренс Валерога 7/5, 6/1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Швейцариялик саралаш турниридан чиққан Мария Гаиан Микалиан эса мутахассисларни лол қолдирган ҳолда индонезиялик Уини Прокусиани жуда оғир беллашувда 6/3, 5/7, 7/5 ҳисобида енган ҳолда ярим финалга чиқди. Германиялик Бьянка Ламаде ва голландиялик Зеда Нурландерлар ҳам ҳақли равишда шундай ҳуқуққа эга бўлишди.

Шанба куни якка тартибдаги спортчилар ўртасида ярим финал беллашувлари ўтказилди. Биринчи сетни Микалианга 4/6 ҳисобида бой берган Ламаде сўнг ўзини қўлга олиб учрашувни 7/5, 6/3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди. Нурландер эса Торренс Валерони мағлуб этди — 6/3, 7/6 (4).

Шу куни жуфтликлар ўртасидаги финал ҳам ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Кортга Тошкент турнирларида катта тажриба тўплаган спортчилар жуфтлиги — икки марта қатнашган Петра Мандула (Венгрия) ва турнирнинг икки карра ғолиби Патриция Вартуш (Австрия) ҳамда Татьяна Перебейнис (Украина) — Татьяна Путчек (Беларусь)лар тушишди. Ушбу баҳсда Мандула — Вартуш жуфтлигининг бой тажрибаси қўл келган ҳолда улар 6/1, 6/4 ҳисобида ғалаба қозонишди ва мусобақа ғолиблари бўлишди.

КЕЧА

том маънода байрамона тус олган, ишқибозлар билан тўла «Динамо» кортига асосий финал баҳсида беллашиш учун турнирнинг энг кучли иштирокчиларидан бири — олтинчи бўлиб сараланган ва 94-рейтинг рақамига эга Бьянка Ламаде ва қатнашчилар рўйхатида 24-ўринни банд этиб турган Зера Нурландерлар тушишди. Финалчилар тўғрисида шуни айтиш мумкинки, 19 ёшли Ламаде профессионаллар таркибига ўтган йилнинг январь ойида 534-рейтинг рақами билан кирган бўлса-да, унинг маҳорати жуда тез ўсди. Бир йил ичида Франциядаги икки кичик мусобақа ғолиби, Германия очиқ чемпионатининг учинчи даврасига чиққан ҳолда рейтинг рақамини мисли кўрилмаган даражада тез кўтарди. Зеда Нурландер эса йигирма етти ёшда бўлиб, саккиз йилдан буён профессионал мақомида, якка тартибда Буюк Британия ва жуфтликда Колумбиядаги мусобақаларнинг ғолиби бўлган.

Хўш, ёшлик жўшқинлиги устун келадими ёки катта тажриба? Беллашув ҳақиқатан ҳам финалга лойиқ кескин ва муросасиз кечди. Биринчи сетда Ламаде 6/3 ҳисобида қанчалик енгил устун келган бўлса, иккинчи сетда 6/2 ҳисобида Нурландернинг қўли баланд келди. Учрашув тақдири учинчи сетда ҳал бўлди. Ўзининг ўнг қўли орқали кучли ва аниқ зарбалари, шиддатли эйсларини ишга солган Ламаде рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 6/2 ҳисобида ютган ҳолда илк бор «Тошкент Оупен» мусобақаларининг ғолиби бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам улкан теннис байрамига узукка кўз қўйгандек мос тушди. Дастлаб турнир асосчиси Сассон Какшури ғолиб ва финалчини муваффақият билан қутлаган ҳолда мусобақаларнинг кўнгилдагидек ўтишига ўз ҳиссасини қўшган барча хизматчилар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Динамо» клуби раҳбариятига катта ташаккур билдирди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов бир ҳафта давомида 22 мамлакатдан келган катта ракетка усталари улкан теннис байрамини намойиш этганликларини таъкидлаб, бу турнир ёш спортчиларимиз учун эпчиллик ва маҳорат мактаби бўлганлигини билдирди ва ғолибларни чин кўнгилдан қутлади.

Ўйлаймизки, Сассон Какшури ва Рустам Шоабдураҳмонов ғолиб ва финалчига бош мукофотларни топширган, миллий одатимизга кўра уларга зар чопонлар ва дўппилар кийдирилган онлар спортчиларнинг ҳаётидаги энг эсда қоларли лаҳзалардан бўлиб қолиши табиий. Турнирнинг энг мафтункор ўйинчиси — Кристина Торрес Валерога эса «Оқшом» газеталари томонидан таъсис этилган махсус совриндан топширилди.

Ҳа, яна бир улкан халқаро турнир ўз поёнига етди. Бироқ, саралаш мусобақаларида беллашган ўн тўрт нафар ёш теннисчиларимиз, кортга келиб бевосита беллашувларнинг шоҳиди бўлган ёш мухлислар ва катта ракеткага меҳр қўйган болажонлар учун унинг фойдаси нечоғлик катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Тошкент Оупен» турнирининг ҳал қилувчи беллашувидаги ҳаяжонли лаҳзалар.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

ФУТБОЛ

«Пахтакор» финалда

Ўтган куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Ўзбекистон кубоги ярим финал мусобақасининг иккинчи учрашуви ўтказилди.

Бундан икки ҳафта аввал Қаршида бўлиб ўтган биринчи учрашувда «Насаф» меҳмони бўлган пахтакорчилар 2:2 ҳисобини қўлга киритган эдилар. Тошкентдаги учрашувда ҳар қандай дуранг «Пахтакор»ни финалда ўйнашига имкон яратарди. Шу боис ҳам Тошкентдаги ўйин анча муросасиз ва шиддатли кечди. Аммо дарвозани ишғол этиш на «Пахтакор»га, на «Насаф»га насиб этди. Учрашув 0:0 ҳисобида якунланди. Икки ўйин натижасига кўра пахтакорчилар финалга йўлланма олди.

Бухорода Ўзбекистон кубогининг ярим финалида «Бухоро» «Нефтчи» жамоаси билан куч синашди. Ўйин 0:2 ҳисобида фарғоналиклар ғалабаси билан якунланди. Биринчи учрашувда ҳам «Нефтчи» бухороликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди.

Энди Ўзбекистон биллур соврини учун финалда 4 август куни «Пахтакор» ва «Нефтчи» ўзаро беллашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЛАС-ВЕГАСДАН ХУШХАБАР

Муҳаммадқодирнинг учинчи зафари

Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳридаги «Тексат стейшн» меҳмонхонасида Феликс Даниэл (АҚШ) ва ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ўртасида жаҳон тожи номзодлигига чиқиш йўлидаги баҳс бўлиб ўтди. Ҳаваскорлар ўртасида олимпия ва жаҳон чемпиони бўлган юртдошимиз профессионал рингдаги ўзининг ушбу учинчи жангини ҳам фаол, ҳужумкорлик руҳида бошлади. Бешинчи раунднинг бошларида Муҳаммадқодирнинг чап қўли орқали берган аниқ ва кучли зарбаси рақибини нокаут ҳолатига тушириб қўйди.

Шу тариқа М. Абдуллаев профессионал рингдаги учта беллашувнинг иккитасини нокаут билан якунлаган ҳолда чемпионлик сари дадил одимламоқда. У ўзининг кейинги баҳсини август ойида ўтказади.

Дилмурод НУРМУҲАМЕДОВ

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатни, фуқаролик жамиятини ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келажагимизни қуриш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Ислом КАРИМОВ

Маҳалла — қутлуғ анъаналар ўчоғи

Маҳалла — Ўзбекистонда кишилар ижтимоий ҳаётининг асрлар давомида шаклланган ўзига хос кўринишидир. Бу ўзаро қўллаб-қувватлашнинг тенги йўқ ижтимоий ташкилотидир. Ўзбек маҳалласи — халқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихда ҳам ҳамиша ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган.

Ўтмишдан тортиб, то ҳозиргача юртимиз кўпгина эзгу амалларини, хосиятли, барокатли тадбирларини, ҳаётий муҳим муаммоларини маҳалла оқсоқоллари ақл-заковатли, адолатли назари билан амалга ошириб, ҳал қилиб келишган. Бу анъана давом этмоқда.

XXI аср ўзбекларининг янги замон талаблари даражасида шаклланишида, авлодларимизнинг баркамол инсон бўлиб етишишларида ҳам маҳалланинг оламшумул хизмати шубҳасиз. Маҳаллаларда турли бунёдкорлик ишлари ўз ечимини топади, ҳашарлар, ранг-баранг маданий-маънавий, оммавий тадбирлар ўтказилади. Айни шу маҳаллаларда амалга оширилаётган сиёсат асосида жамоатчилик фикри шаклланади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз жамиятдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва демократик ўзгаришларни амалга оширишда маҳалла мустаҳкам таянч бўлишини ҳам назарий, ҳам амалий асослаб бердилар. «Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг, деб таъкидлайди Президентимиз, — неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бу даврда маҳалла жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимизнинг бугунги ҳаётини энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир».

Чиндан ҳам Ўзбекистон ҳудудида ўзини-ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли — маҳалла одамларнинг тўп-тўп жамоа бўлиб, бирлашиб, уюшиб яшаш тарзи сифатида узоқ тарихга эгадир.

Манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида туғилган мантиқий хулосага кўра, одамлар ибтидоий жамоа тузуми давридан ўтроқ ҳаётга ўтиб, жамоа бўлиб яшай бошлаганларида маҳалла тизимининг ибтидоий унсурлари, қадриятлари, касб-ҳунар малакалари, рўзғор тебратиш, ўзаро мол айирбошлаш, ўртада баҳам кўриш асослари шакллана бошлаган.

Бизнинг минтақамизда милоддан минг йиллар илгари илк (ибтидоий) шаҳар жамоалари шаклланганлигини археологларимиз ўз илмий тадқиқотлари натижасида исботлаб беришди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида олиб борилган археологик изланишлар ҳам шуни тасдиқлайдики, шаҳарнинг атрофида IX-X асрларда маҳаллалар, гузарлар кўпайиб кетади. Бу маҳаллалар орқали Қозоғистонга кетиладиган катта йўллар бор эди. Мазкур маҳаллалар ва катта йўллар атрофидаги хонадонларнинг деярли ҳаммаси ҳунармандлар эди. Масалан, маҳсидўзлар, пичоқчилар ва шунга ўхшашлар.

Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берилади. Жумладан, тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» номли асарида минг йиллар илгари бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд қилиб ўтган. Олим қадимда маҳалла шаҳарча аҳамиятига эга бўлганлигини таъкидлайди.

Файласуф олим Форобий эса, шундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиатдан шундай туғилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, аммо бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади». Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва тенгликка эришув, учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Маҳаллалар, айниқса соҳиб-қирон Амир Темур тузган машҳур давлатда ривожланди, гуллаб-яшнади. Ўша вақтга келиб маҳаллаларда яшаш, истиқомат қилиш фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил топган эди. Темирчилар, қурол-яроғчилар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулолчилар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, бир жойда ҳаёт кечирган эдилар.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳам маҳаллалар ҳақида илиқ сўзлар қолдирган. Навоий яшаган маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик ҳамда инсоний фазилатлар нақадар юксак бўлганлигини кўрамиз. Таниқли адабиётшунос олим А.Ҳайитметов, Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзганлигини айтади: «Дўсмуҳаммад — Марғиноний маҳалласидандур. Ҳам нидек улар 149 та бўлиб, 48 таси Шайхонтоҳурда, 38 таси Себзорда, 31 таси Кўкчада ва 32 таси Бешёғочда бўлган.

Маълумотларга кўра, Тошкентда 184 та маҳалла бўлиб, улардан 105 таси келиб чиқиши жиҳатидан туркий, 44 таси эроний, 35 таси эроний ва туркий тилларда бир хил ишлатиладиган сўзлардан келиб чиққан. Шайхонтоҳур туманидаги Кўкча маҳалласи тахминан 850 йиллик тарихга эга. Кўкча, кўхича — яъни кўк тепалик дейилган.

Мустабид тузумдаги тазйиқларнинг ҳаммаси бошқарувнинг ушбу халқчил, энг самарали маҳалла тизимини тугатишга қаратилган эди.

Вақоланки маҳалла одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, жуда зарур ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тарихий вазифани бажарган. 1932 йил 17 апрелда Ўзбекистон жумҳуриятида биринчи маротаба шаҳарлардаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом чиқди. Орадан 30 йил ўтгач 1961 йил 30 августида Ўзбекистон Олий Кенгаши республика шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овуллардаги маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низомда ҳам маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. «Маҳалла қўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олдисотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Бундан кўриниб турибдики маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнггина мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органларининг, маҳалла тизимини тиклашга, нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунларда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловлар ҳам ушбу фикримизга яна бир ёркин далилдир.

Маҳалла тизимининг асосий моҳияти, демократик институтнинг аввало узлуксизлиги, бу тизимда жамиятни бошқаришнинг демократлашиб бориши, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, холис, беғараз иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистоннинг ўзига хос бетакрор ноёб халқчил бошқарув институти эканлиги эътироф этилди ва у ҳозирги кунда жаҳон давлатчилиги тажрибасида тан олинмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, вақт ўтгани сари маҳаллалар сони ҳам ўзгариб борган. XIV аср охирида Тошкентда маҳаллалар сони муаллифларнинг турли фикрларига кўра 150 та бўлган. Масалан, Н.А.Маев кўрсатиб ўтганидек, Тошкентда 360 та маҳалла бўлган. Ўтмишда маҳалла тизимининг ибтидоий унсурлари, қадриятлари, касб-ҳунар малакалари, рўзғор тебратиш, ўзаро мол айирбошлаш, ўртада баҳам кўриш асослари шакллана бошлаган.

Бизнинг минтақамизда милоддан минг йиллар илгари илк (ибтидоий) шаҳар жамоалари шаклланганлигини археологларимиз ўз илмий тадқиқотлари натижасида исботлаб беришди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида олиб борилган археологик изланишлар ҳам шуни тасдиқлайдики, шаҳарнинг атрофида IX-X асрларда маҳаллалар, гузарлар кўпайиб кетади. Бу маҳаллалар орқали Қозоғистонга кетиладиган катта йўллар бор эди. Мазкур маҳаллалар ва катта йўллар атрофидаги хонадонларнинг деярли ҳаммаси ҳунармандлар эди. Масалан, маҳсидўзлар, пичоқчилар ва шунга ўхшашлар.

Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берилади. Жумладан, тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» номли асарида минг йиллар илгари бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд қилиб ўтган. Олим қадимда маҳалла шаҳарча аҳамиятига эга бўлганлигини таъкидлайди.

Файласуф олим Форобий эса, шундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиатдан шундай туғилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, аммо бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади». Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва тенгликка эришув, учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Маҳаллалар, айниқса соҳиб-қирон Амир Темур тузган машҳур давлатда ривожланди, гуллаб-яшнади. Ўша вақтга келиб маҳаллаларда яшаш, истиқомат қилиш фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил топган эди. Темирчилар, қурол-яроғчилар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулолчилар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, бир жойда ҳаёт кечирган эдилар.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳам маҳаллалар ҳақида илиқ сўзлар қолдирган. Навоий яшаган маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик ҳамда инсоний фазилатлар нақадар юксак бўлганлигини кўрамиз. Таниқли адабиётшунос олим А.Ҳайитметов, Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзганлигини айтади: «Дўсмуҳаммад — Марғиноний маҳалласидандур. Ҳам нидек улар 149 та бўлиб, 48 таси Шайхонтоҳурда, 38 таси Себзорда, 31 таси Кўкчада ва 32 таси Бешёғочда бўлган.

Маълумотларга кўра, Тошкентда 184 та маҳалла бўлиб, улардан 105 таси келиб чиқиши жиҳатидан туркий, 44 таси эроний, 35 таси эроний ва туркий тилларда бир хил ишлатиладиган сўзлардан келиб чиққан. Шайхонтоҳур туманидаги Кўкча маҳалласи тахминан 850 йиллик тарихга эга. Кўкча, кўхича — яъни кўк тепалик дейилган.

Мустабид тузумдаги тазйиқларнинг ҳаммаси бошқарувнинг ушбу халқчил, энг самарали маҳалла тизимини тугатишга қаратилган эди.

Вақоланки маҳалла одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, жуда зарур ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тарихий вазифани бажарган. 1932 йил 17 апрелда Ўзбекистон жумҳуриятида биринчи маротаба шаҳарлардаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом чиқди. Орадан 30 йил ўтгач 1961 йил 30 августида Ўзбекистон Олий Кенгаши республика шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овуллардаги маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низомда ҳам маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. «Маҳалла қўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олдисотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Бундан кўриниб турибдики маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнггина мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органларининг, маҳалла тизимини тиклашга, нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунларда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловлар ҳам ушбу фикримизга яна бир ёркин далилдир.

Маҳалла тизимининг асосий моҳияти, демократик институтнинг аввало узлуксизлиги, бу тизимда жамиятни бошқаришнинг демократлашиб бориши, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, холис, беғараз иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистоннинг ўзига хос бетакрор ноёб халқчил бошқарув институти эканлиги эътироф этилди ва у ҳозирги кунда жаҳон давлатчилиги тажрибасида тан олинмоқда.

Улуғбек РАҲМОНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.



Пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси.

ТАЪЛИМ

Истиқболли битим

Ўзбекистонда малакали архитектор мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бундай истиқболли ишга АҚШдаги халқаро ривожланиш агентлиги ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти билан Исроил давлатидаги Технион университети ўртасида ҳамкорлик алоқасини боғлашни йўлга қўйишда ҳам агентлик фаоллик кўрсатди.

Бу ҳар икки олий ўқув юрти томонидан имзоланган ҳамкорлик шартномаси кучга кирди. Уни амалга ошириш мақсадида Америка агентлиги 100 минг долларга тенг бўлган грант ажратди.

Ўқув ва илмий-амалий жараёнларни ўз ичига олган мазкур битим икки йилга мўлжаллаб имзоланди.

Акбар АЛИЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Ўсмирлар тарбиясига эътиборни кучайтирайлик

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бош бошқармалари, «Маҳалла» жамғармаси раҳбарлари, туманлар вояга етмаганлар ишлари комиссияларининг раислари иштирокида пойтахт ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Эркин Эрназаров олиб борди.

Шуни айтиш керакки, ҳар галгидан ўзгачароқ амалий руҳда ўтган йиғилишда асосан бу борадаги камчилик ва муаммолар таҳлил қилиниб, қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз борди. Кўпгина ўринли таклифлар билдирилди.

Дастлаб шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби Маҳамаджон Умаров Оналар ва болалар йили муносабати билан ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда Ҳамза ва Чилонзор туманларидаги Мехрибонлик уйларида ва махсус мактаб-интернатларда вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, уларнинг соғлиғи ҳамда ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижросининг бажарилиши юзасидан жорий йилнинг ўтган беш ойида олиб борилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Чилонзор туманидаги 23, Ҳамза туманидаги 30-Мехрибонлик уйи ва 103-мактаб-интернатда махсус гуруҳ томонидан ўтказилган назорат текширувлари натижасида шу нарсалар маълум бўлдики, болалар яшашлари, дам олишлари ва уларнинг таълим-тарбияларини ташкил этиш борасидаги ишлар қониқарли даражада бўлса-да айрим камчилик ва муаммолар мавжуд. Жумладан, ҳар уччала муассасада ўйин ва спорт майдончалари таъмирга муҳтож, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар етарли даражада эмас. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига етарли даражада амал қилинмаяпти. Сув қувурлари эскирган, душхоналар яхши ишламайди. Назорат гуруҳи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат раҳбариятига кўрсатма ва таклифлар берилди.

Шаҳар комиссияси аъзоси, пойтахт Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолов эса йиғилганлар эътиборини Миробод, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудларида болалар ногиронлигининг олдини олиш, уларни тиббий, ижтимоий тиклаш самараларини оширишнинг қандай олиб борилаётганига қаратди.

Миробод, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларида жами 2005 нафар вояга етмаган ногирон мавжуд бўлиб, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, турли маслаҳатлар ва ёрдамлар кўрсатиш Миробод туманида нисбатан яхши йўлга қўйилган. Бироқ барча туманларга хос камчилик шундан иборатки, ногирон болаларга тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар йўқ.

Шунингдек, Миробод туманидан 5 нафар, Шайхонтоҳур туманидан 7 нафар ва Мирзо Улуғбек туманидан 19 нафар болалар сурункали равишда ўқишга бормаслиги қайд этилиб, улар ва тарбияси оғир болалар билан олиб борилаётган умумтаълим мактабларида давомматнинг аҳволи, тарбияси оғир ўсмирларни мактабга жалб қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ушбу туманлар

КИТОБ—ОФТОБ

Маънавият хазинаси

Китоб — офтоб, у инсонга илм нурини бериб, қалбини ёритади, билимини оширади, дунёқарашини шакллантириб, маънавиятни юксалтиради.

Шаҳримизнинг Қорасув даҳасида жойлашган педагогика билим юртининг маънавият хазинаси ҳисобланган кутубхонаси ҳам ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўзгартиришда, уларни истиқлол руҳида тарбиялашда муқаддас зиё маскани ҳисобланади.

Тажрибали педагог, ўз касбининг билимдони Сарсенгул Кистабоева мудирлик қилаётган бу билим хазинаси қанчадан-қанча илм фидойилари, турли касб эгалари, ўқитувчи ва ўқувчиларга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Китобхонларнинг сони жиҳатидан ҳам унча-мунча катта кутубхоналардан қолишмайдиган бу зиёбахш масканда 1562 ўқувчига 33 мингдан ортиқ илмий, бадиий ва тарихий китоблар, дарсликлар жамланган. Кунига юзлаб ўқитувчи, ўқувчи ва ходимларнинг ўз устиларида мустақил ишлашлари, изланишлари ва ижод қилишлари учун ҳамма қулайликларга эга бўлган шинамгина ўқув хонаси мавжуд.

Кутубхона аъзолари китоб мутолааси орқали қадриятларимиз, урф-одатларимиз, юрт тарихини ҳамда бой ўтмиш маданий меросимизни чуқур ўрганиб бормоқдалар.

Кутубхонада турли оммавий, ташкилий, тарбиявий, маърифий учрашувлар, кечалар мунтазам ўтказилиб турилади.

Ўтган 2000 йилда «Конституциямиз — бахтимиз қомуси», «Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир», «Ўзбек оилаларида болаларни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни», «Авесто»да ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари билим юрти раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зулфия Иброҳимова ва кутубхона мудираси Сарсенгул Кистабоеваларнинг ташаббуслари билан кутубхонанинг шинам ўқув залида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, элчихона ходимлари, суд ва прокуратура, Ички ишлар вазирлиги академияси ходимлари ҳамда ота-оналар билан тез-тез учрашувлар, адабий ва савол-жавоб кечалари, мароқли суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар, тарбиявий соатлар бўлиб туради.

Яқинда «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Хожиева ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Қутлибека Раҳимбоевалар билим юрти ёшлари билан учрашдилар. Ойдин Хожиева билим юрт талаба қизларини «Саодат» журналини мунтазам ўқиб боришга ва унинг саҳифаларида ўз шеър ва мақолалари билан фаол қатнашиб туришларига даъват этди.

Қозоқ миллий маданий маркази ҳамда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳам билим юртига ташриф буюриб, талаба ёшлар билан қизиқарли учрашув ўтказдилар. Учрашувни «Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири, таниқли ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор Қалдибек Сейданов бошқариб борди. Учрашув ёшлар билан суҳбат, савол-жавоб ва бадиий ҳаваскорларнинг сершавқ концертлари билан якунланди.

Кутубхонада ўтказилаётган мана шундай қизиқарли ва фойдали маданий-маърифий тадбирлар китобхонлар сонининг ошишига олиб келмоқда.

Ҳа, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланаётган бугунги кунда китобларнинг аҳамияти янада катта бўлмоқда, унга эътибор кучаймоқда. Ёшларимиз ўз устида тинмай ишлаб, ижодий изланишлари, мустақил фикр юритишлари, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб туришлари даркор. Бунинг учун зиёбахш маскан — кутубхоналарга бориб, кўпроқ китоб, журнал, газета ўқиб, радио ва «ойнаи жаҳон»га қараб боришлари керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, зиё маскани ўқувчи—ёшларнинг энг севимли жойларидан бирига айланиши керак.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ
СУРАТДА: яқинда кутубхонада ўтказилган мароқли тадбирдан лавҳа.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚАТРАЛАР

Буюк заҳматкаш

Дунёда бир заҳматкаш бор, у наинки олтмиш, етмиш, саксон... баъзида юз йилгача ўз ишхонасидан чиқмай терга ботиб ишлайди, гурсса-гурсса болғасини уриб, инсон учун меҳнат қилади. Унинг на тиним куни бор, на отпускаси, на таътилию ва на пенсияга чиқиши бор. У бутун ҳаётини азиз Ватанга бағишлаб қўйган, садоқату фидойилик унинг жисму жонида.

Заҳматкашнинг номи ким, деб сўрарсиз, унинг номи — Қалб!

Шу Қалб каби инсонлар бор, Эл дарди зиммасида.

Онаизор

Кўчада бир боланинг йиғлаб кетаётганига кўзим тушди. Уни овутмоқчи бўлдим, дарҳол сўрадим:

— Болагинам, нега йиғлаяпсан?

— Ойимлар бир шапалоқ урдилар...

— Энди қаёққа кетаяпсан?

— Ойимларнинг ёнларига.

Она-адабиётимиздан ҳам бир шапалоқ ейдиганлар бор, нолимасдан Она ёнига боришларини маслаҳат бераман.

Кетмон юзини босма!

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар, дейди доно халқимиз. Билим олмоқ фақат туғма қобилият эмас, катта меҳнат самарасидир. Баъзилар ҳозир илм кишисини менсимай қўйдилар, бу ғоятда ачинарли! Халқда мақол бор: заҳматкаш кетмон юзини босма, калтак ейсан! Вақти келиб калтак ейдиганлар ҳам бор...

Узоққа бормоқлик...

Югурганлар эмас, шошмай пухта тайёргарлик кўрганлар узоққа борадилар, Ватан шаън-шавкатини баланд кўтара оладилар.

Жаҳл билан курашга тушган худбин полвон албатта йиқилади. Димоғдорликдан воз кеч, хушомадгўйлар мақтовидан кўрқ! Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, бу — чинданда ҳикматдир, қадрига етганлар узоққа борадилар.

Чинор

Қаердадир чинор ниҳоли ўсаяпти. У жуда секин ўсади, майли, жуда секин ўссин, ахир унинг асрий умри бор-ку! Адабиётимиз ниҳоллари чинор умрини кўрсин, вақт тез ўтади. Мен келажакни, буюк ватанимни уларнинг кўзлари билан кўриб тураман, албатта!

Буюкликка дахлдор

Салкам юз йил янграган дилрабо овоз ҳамон янграб турибди. Гап буюк Ҳалима Носирова ҳақида кетяпти. Қалам аҳли жиндак муболаға қилмаса кўнгли ўрнига тушмайди. Берта Давидова ҳам... Бу мумтоз санъаткорлар озод ва мустақил замонамизга етиб келиб, ёш ва ўхшаши йўқ истеъдод эгалари билан бир сафда турганлари қандай бахт! Улар ким деб сўрарсиз — Насиба ва Муножот! Бу икки қиз ҳам буюкликка дахлдор. Масъулиятни бўйнимга олиб, эркин фикр айтаётирман, адиблар назаркарда бўлади.

Ўн беш кунлик Ой

Шаҳримиз осмонида ўн беш кунлик Ой ярқираб турибди. Ўн беш минг йил аввал унга «Авесто» қаҳрамонлари Охура-Мазда тикилган, Широқу Томруз ҳам, Афросиёбу Сиёвуш ҳам, Жалолиддин, ал-Бухорий-ю Нажмиддин Кубро ҳам, Яссавий-ю Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, соҳибқирон Амир Темуру Мир Алишер Навоий ҳам тикилганлар... Биз ҳам тикилиб, ҳаётда борлигимиздан шукроналар этамиз. Туғилажак авлод ҳам тикилади. Бу — абадият ва гўзаллик демакдир. Ойга қараб вовуллаш эмас, яшаб туриб уни кўриш — Бахт.

Иштаҳа

Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. Бу доно мақол. Лекин япон халқи ишлайдиган корхоналарда «брак» деган ибора йўқ экан. Бу сўзга тушунмас эканлар. Тушунмаганлари маъқул, тезда биз ҳам бу сўзни истеъмолдан чиқарайлик, тушунмайлик.

Давр

Бурунгилар айтганидай, инсонга бир маротаба давр келармиш... Уни пайқамай, Лайлатул Қадрдек ўтказиб юборганлар кўп бўлармиш. Билмадим, ўша «давр» менга келдими ёки келган бўлса ҳам четлаб ўтиб кетдимикан? Қалпоғини ўғрига олдирган Насриддин Афандидек мен уни қабристон дарвозаси олдида кутаверараман.

Андуҳ сиртлони

Доно кишиларга андуҳ сиртлони жуда ўч. Доимо ғажишга шай туради. Аммо етуклик, заковат филлари йиртқичлар тўдасини ёриб ўтиб кета оладилар. Бунга иймоним комил.

Даламга тушган бир юлдуз

Ўзбекистон телевидениеси хаста бир ёш шоирни кўрсатиб, у ётган жойида ўзининг шеърларидан ўқиб берди. Китоб тузиб, номини «Соғинч соҳили» атабди. Ёш шоирнинг номини эслолмай қолдим, аммо шеърларини эшитиб ниҳоятда қувондим, ҳатто кўзимга ёш келди. Агар у яқин жойда бўлганида бориб табриклаб, бағримга босиб қучган бўлардим. Шеърлар тил учида эмас, юракдан чиққан ҳақиқий шеърлар. Бутефор олма, ноклар, қарағай тахта қипиғидан ясалган «кулча нонлар» кўпайиб кетганда ҳақиқий шеърларни тинглаб, шод бўлдим. Даволанаётган укамга Худо шифо берсин, шеърлари булоқ сувидек шаффоф, ўз даласининг гиёҳу япроқларидек ҳаётбахш бўлаверсин. Ўзбек миллий адабиётимизнинг порлоқ келажагини кўргандек бўлдим.

Яна такрорлайман. Хаста ётган шоир жигарим тезда тузалиб кетсин, ана шундай яхши шеърлар яратилаверсин. Телевидениега ташаккур, олижаноб ишлар қилмоқда.

«Бўрибосар»нинг хотираси

«Меъмор» романимни ёзишда Қашқадарё вилоятимизнинг Толимаржон кенгликларида чўпонлар меҳмони бўлганман, ғоятда гўзал ва унутилмас дамлар!.. Чўпон Отанинг «Бўрибосар» деган итини эркалаган эдим. Етти йилдан сўнг йўлим яна шу томонга тушиб, чўпон Отага совға-саломлар, китоблар... келтирдим. Бўрибосар каминани таниб, ёнимга келиб, асло узоққа кетмади. Айтишларича филу от, ит инсон меҳрини яхшилигини асло унутмас эканлар. Лекин бир мансабдор танишим етти ойдан кейин ёнига борсам танимади: «Э, дарвоқе, сизни қаердадир кўргандекман...» деди.

«Ошнамнинг» қаншари пастроқ эди, нима дейишимни билмай, ичимда «Қаншаринг бундан-да пастроқ бўлсин!» деб чиқиб кетдим. Эй, Бўрибосар, Бўрибосар, сен ҳеч ёдимдан чиқмайсан!

Саломатликнинг баҳоси йўқ

Жавоҳирлару шону шуҳрат топилади. Инсон тирик экан, кундуз қуёшни, тунда ойни, фасллар жамолини, дўстлар мулоқотини, фарзандлар хурсандчилигини кўриб турар экан, бундан улкан бахт йўқ...

Насриддин Афанди тўйда

Афанди тўйга борган экан, уни хонага кираверишдаги паст пойгакка ўтказишиб, ҳали бери ошдан дарак бўлмабди. У ўрнидан туриб, тезда уйига равона бўлибди. Сандиқдаги зарбоф тўнини кийиб, яна тўйхонага келган экан, ҳассакашлар «Э, келинг, э, келинг!» деб тўрга ўтказишибди, дарҳол ош қўйишибди. Шунда Насриддин Афанди лагандаги ошга устидаги зарбоф чопон енгини тиқиб, «Е, тўним, е, тўним!» деб ош едираётган экан, одамлар сўрабди: «Мулла Насриддин, нега бундай қилаётирсиз?» Афанди бўлса «Сизлар мени эмас, тўнимни эъзозлаб тўрга чиқардингиз, тўним тўйиб олсин» деган экан. Ҳозир шундайлар йўқ дейсизми?

Заковат

Бақирмоқ, жанжал кўтармоқ ақлан заиф кишиларга хосдир. Кўпни кўрган заковатли одамлар яқинлашган жанжалдан йўл топиб, тезда қутулишни биладилар. Бу ҳам мардлик ва заковатдир.

Ҳажв йўли

Қачонлардир адиблар анжуманида муболаға хусусида гап кетган эди. Ўшанда азизим Саид Аҳмад ўз ҳажвиёти, лофлари билан биринчиликни олган, «жиддий шоир» камина; «Чарли Чаплин бургани ўргатган, Юсуфжон қизиқ оқ айиқни қулдирган, Таваккал Қодиров ўз қўшиқлари билан жаллоднинг жигарини эзиб, хўнг-хўнг йиғлатган...» муболағасини айтиб, иккинчи ўринни олган эдим. Шу даврдан бошлаб, назаримда, ҳажв куртаклари юракда барг ёзган. Охир-оқибатда «Муштум» журналига бош муҳаррир бўлиш даражасига олиб келгандир.

Инсон феъли

Инсон феълини ўзгартириш ўн минг метр баланд бўлган Ҳимолай тоғини кетмон билан текислаш билан баробар.

Ўзбек тарихи — Эзлик тарихи

(Давоми).

СИРЛИ СЎЗЛАР

«Бизнинг халқимиз» ёки «бизнинг аждодларимиз» сингари умумий ва мубҳам атамалардан воз кечиб, Марказий Осиёда яшаган қадимги элатлар ҳақида маълумот берувчи тўртта ёзма манба – «Авесто» китоби, юнон тарихчилари Ҳеродот, Страбон, Ктесий, Арриан ва бошқаларнинг ҳикоятлари, аҳмоний ҳукмдорларининг Беҳистун ва Нақши Рустамдаги ёзма битиклари ҳамда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарларини варақласак, не ҳикматларни илғаймиз?

Гапни ўзимизга анча яқин бўлган, бугунги кунда кўпчилик зиёлиларнинг хонадонини безаб турган «Шоҳнома» дан бошлай қолайлик.

Минг йиллар бурун Фирдавсийнинг сеҳрли қалами билан битилган бу асар Эрон ва Турон шоҳлари ўртасидаги ўзаро жанглар, муҳорабалар таърифига бағишланади.

Унинг тарихий, маърифий-маънавий аҳамиятига тўхталиб ўтирмасдан, эътиборни битта нарсага қаратмоқчиман.

«Шоҳнома»да тилга олинган Эрон ҳам, Турон ҳам тарихий мамлакатлар. Бу юртларда ҳукм сурган салтанатлар ҳам афсонавий эмас.

Гарчи, улуғ шоир халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланган бўлса-да, битта нарсада ҳақ – бу икки мамлакат ўртасида дўстлик ва душманлик, ўзаро борди-келди ва келишмовчиликлар бўлгани - тарихий ҳақиқат.

Тўғриси, мен унда тасвирланган воқеаларнинг рост-ёлғонлигини таҳлил этмоқчи, тарих билан солиштириб кўрмоқчи эмасман.

Асосан икки атама – «Эрон» ва «Турон» сўзларининг моҳияти ва келиб чиқиш тафсилотлари ҳақидаги мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман, холос.

Шу икки атама сирли ип бўлиб, «Шоҳнома»ни ўзидан икки минг йиллар бурун яратилган «Авесто» билан боғлагани учун ҳам диққатга сазовордир...

«АВЕСТО»НИ ВАРАҚЛАР БЎЛСАМ...

«Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига уч минг йил бўлаяпти, - дегандилар Давлатимиз раҳбари тарихчи олимлар билан учрашувда. - **Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадимий ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди».**

Бу сўзларнинг тарихий ҳақиқатлиги дунёнинг кўплаб атоқли алломалари олиб борган илмий изланишлар ва тадқиқотларда аниқ-равшан исботлаб берилган.

Хоразм воҳасида топилган кўҳна шаҳар ва қалъаларнинг қолдиқлари ҳам оташпарастлик дини – зардуштийликнинг асл Ватани бизнинг диёримиз эканини, демакки, «Авесто» бошқа бирор минтақада яратилиши мумкин эмаслигидан шоҳидлик бериб турибди.

Албатта, ҳар бир бебаҳо ёдгорлик, моддий ва маънавий бойлик каби ушбу мўътабар китоб ҳам ёвларнинг ғоратидан бебаҳра қолмаган.

Дастлаб уни аҳмонийлар мусодара этишган, ўзларининг китобига айлантиришга уринган бўлсалар, Александр Македонский унинг бешдан уч қисмини куйдириб юборган.

Охир-оқибатда унинг она тилимиздаги нусхаси эмас, балки сосонийлар подшоси Шопур I даврида тузилган нусхаси бизгача етиб келган.

Турли манбаларда турли тарзда айтилган бу гапларни такрорлашдан муддао нима?

Гап шундаки, биз **«уч минг йил»** деганда «Авесто»нинг китоб ҳолига келган пайтини назарда тутамиз.

Аслида-чи?

Аслида уч минг йил олдин Хоразм воҳасида бир халқнинг тўсатдан пайдо бўлиши ва оёғи ерга тегар-тегмас, қўлига қалам олиб, сўз яратиб, имло яратиб, **«ўн икки минг қорамолнинг терисига»** жо бўладиган маънавий-маърифий, ахлоқий қомусни яратиши ақлга сиғадиган ҳодиса эмас.

Инсон боласининг тафаккури юксак даражага кўтарилган, илм-фан барқ уриб ривожланган бугунги даврда жисмоний ва руҳий соғлом кимсанинг оддийгина бир ҳунарни мукаммал эгаллаши учун йиллар керак бўлади.

У қунт ва ҳафсала билан, тер тўкиб, заҳмат чекиб, бирорта устоздан касб сирларини ўрганиши даркор.

Халқимизнинг дунёга Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари даҳоларни бериши учун неча-неча юз йиллар керак бўлгани ҳам яхши маълум.

Шу нуқтаи назардан олганда, жаҳонда тенги йўқ дурдона – «Авесто»нинг муаллифи Зардушт ёки Заратуштра саналса-да, аслида бу китоб тили, диний эътиқоди, урф-одати, қадриятлари, орзу-умидлари ва интилишлари битта бўлган, Турон кенгликларида умргузаронлик қилган ягона халқнинг неча-неча минг йиллик тажрибаси, ҳаётдан олган сабоқлари, жамлаган маърифий-фалсафий хулосасининг сўзга, фикрга айланиб, яхлит ҳолга келтирилган шаклидир.

Агар илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, ахборот алмашишнинг энг тезкор ва қулай воситаларидан баҳраманд бўлган, биз, XXI асрнинг вакиллари ўзимизнинг имкониятларимизни бундан беш-ўн минг йил муқаддам яшаган аждодларимизнинг имконияти, турмуш шароити билан солиштириб кўрадиган бўлсак, ақл бовар қилмайдиган тафовутни, ер билан осмонча фарқни кўрамиз.

Ахборот ниҳоятда тақчил, мамлакатларнинг, шаҳарларнинг ораси карвонларнинг қадами билан ўлчанганда ойлик, уч ойлик, олти ойлик масофа бўлган ўша даврлардаёқ шунақа улуғ китобни битишга қодир бўлган халқнинг тарихи нақадар теран, турмуш даражаси юксак, мушоҳада қобилияти кучли бўлганини бир қадар тасаввур этиш мумкин бўлади.

Дарёга тўр ташлаб, илинганига қаноат қилган, қорамол подаси ёки қўй сурувининг ортидан ярим ялангоч ҳолда «ҳай-ҳай»лаб юрган, ғорлар кунжида кун кечирган ярим ваҳший оломон эмас, балки, **бир неча ўн минг йиллик тарихга эга бўлган, ўтроқ турмуш кечирган,** тирикчилик учун зарур ҳунарларни эгаллаган, уй-рўзғор асбобларини яратган, тақир чўлларга сув чиқаришнинг уддасидан чиққан, оқар сувдан омилкорлик билан фойдаланган, ҳосилдор далалар, боғлар барпо этган, шаҳарлар қурган, ўзининг бошқарув ва давлатчилик тизимига, миллий қадриятларига эга бўлган, табиат ва ҳаёт ҳодисаларига, ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз нуқтаи назаридан баҳо беришга қобил ва қодир, айниқса, инсоннинг заминдаги бурчини ва ўрнини чуқур англаган, тафаккури теран, имони бақувват халқ, миллатгина «Эзгу Фикр, Эзгу Сўз, Эзгу Амал» деган қоидани турмушининг бош шиори қилиб белгилай олади ва уни амалга оширишнинг уддасидан чиқалади. «Авесто»дек буюк асар яратади.

Бир сўз билан айтганда, бундай шоҳ асарни ёзган халқнинг маънавий, маданий савияси ниҳоятда юксак, тафаккур ва мушоҳада олами кенг, сўз бойлиги беадад, ижодий маҳорати ва мантиқий мулоҳаза қобилияти баланд бўлиши лозим.

Бу омиллар эса ўз замонаси нуқтаи назаридан олганда ҳам ҳар томонлама тараққий топган, миллий яхлитлик ва мустақилликдан қувват олган, элининг салоҳиятини юксалтириш учун маърифий имкониятларга эга бўлган мамлакатдагина мавжуд бўлади.

Демак, «Авесто» дунёга келган юрт – Хоразм воҳаси – ўзбек элининг таянч устунларидан бири, неча минг йиллар бурун ана шундай давлатчилик тизимига эга бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

АНАХИТАМИ ЁКИ...

«Авесто»да улуғлаб тилга олинган сув, ер ва ҳосилдорлик, яъни, тўкин-сочинлик ва файз-барака худоси Анахитадир. Гоҳида, Анаҳито, деб ҳам ёзадилар.

Нега, мен бу исмга урғу бераяпман?

Ривоят қиладиларки, Хоразм воҳасидаги «Қўй қирилган қалъа»нинг марказий майдонида Амударё ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахитага олти ярим метр баландликда ҳайкал ўрнатилган экан. У диаметри 12 см. келадиган биллур ушлаган қўлини марказий оташкаданинг устида тутиб турар экан. У қўлини шундай ҳолатда тутган эканки, биллурга тушган қуёш нури фақат 21 март кунигина тўйнук ичкарисида қаланиб турган қуруқ ўтинни олов олдирган.

Бу олов муқаддас ҳисобланиб, йил давомида ўчирилмаган. Шу кунни кишилар эзгулик ва поклик олиб келувчи янги кун сифатида нишонлашган ва орзиқиб кутишган.

Агар тасодифан олов ўчиб қолса, энг катта бахтсизлик, фожеа ҳисобланган. Бир йил давомида ишлатилган оловдан охирги марта сумалак тайёрлашда фойдаланилган.

Одатда ривоятлар маълум бир ҳақиқатнинг халқ оғзаки ижодида сайқал топган кўринишидир.

Ушбу ривоятнинг замиридаги ҳақиқат нимадан иборат?

Агар «Қўй қирилган қалъа»да чиндан ҳам шундай ҳайкал ўрнатилган бўлса, бу боболаримизнинг, нафақат, ҳайкалтарошлик санъатини, балки, физика қонунларини ҳам мукаммал билганидан далолат беради.

Ҳайкалнинг қадди-қомати, қиёфаси, бўйи, ўрнашган жойи, қўлини тутиши, қўлидаги биллурнинг таркиби, ҳажми, унинг қуёш нурлари билан туташадиган ва қуруқ ўтинни ёндиришга куч йиғадиган нуқтасини белгилаш, жойлаштириш, айни Наврўз куни олов беришга мослаштириш сингари ўнлаб илмий муаммоларни ҳал этиш оддий ҳунармандниг қўлидан келадиган иш эмас.

Бунда маҳорат эгаси ёхуд эгалари математика, астрономия, физика, кимё, география сингари билимларни чуқур эгаллаган олим бўлиши лозим.

Айниқса, ҳайкал ўрнатилиши учун муносиб зот неча йиллар, балки, замонлар давомида илоҳий даражага кўтарилган, халқнинг эътиқодига ва муҳаббатига сазовор бўлган шахс бўлиши табиий.

Демак, айнан Анахита жуда қадимдан шу заминда яшаган халқнинг севимли худоси бўлган.

«Хўш, жоҳилият даврида нималар бўлмаган, инсон боласи ноилоҳлигидан кимларни худо билмаган, нималарга сиғинмаган, Анахита ҳам шуларнинг бирида» дейишингиз мумкин.

Гап шундаки, бу исмнинг асл шакли, менимча, Анахит, Анахита ёки Анахито эмас, балки... Онақутдир.

Албатта, бу сўз бирдан онгимизга ўзимизники бўлиб сингишмайди, изоҳ талаб қилади.

Бахтиёр РИЗО

(Давоми бор).

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

САЛОМ

Саломда буюк фазилат яширинган бўлиб, у одамларни ўзаро яқинлаштиради.

Дил меҳригиёси — саломим менинг,
Юрагим кимёси — саломим менинг.
Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгли синганни,
Ямар мўмиёси — саломим менинг.

Расулуллоҳ саҳобаларга: «Сизларнинг орангизга муҳаббат соладиган нарсани айтайми? Ораларингизда саломни ёйинг» — деган эканлар. Расулуллоҳга ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган экан. Саҳобалар эса бир-бирига доимо салом беришар, ҳатто ораларига бир дарахт тушиб қолса, ундан ўтгач, яна салом берар эканлар.

Саломга бахиллик ҳаво белгиси,
Салом камтарликнинг авло белгиси.
Кимки инсонликка белги қидирса,
Салом — инсонликнинг аъло белгиси.

Падари бузрукворим Махдум Восилий катталарга биринчи бўлиб салом берардилар. Кўчада ўйнаётган болаларга ҳам салом берардилар. Бир куни улардан: «Дада, болаларга нега салом берасиз?» — дедим. Дадам: «Биринчиси — ибрат учун, иккинчиси — адаб учун, салом берсангиз сиздан ибрат оладилар, бошқа томондан адаб бўлиб, салом бериш зарурлигини тушуниб етадилар», — деб жавоб бердилар.

Инсон шарафининг ривожи — адаб,
Қадру қимматининг гултожи — адаб.
Балою қазодан омон сақловчи,
Қалқону восита, иложи — адаб.

Академиянинг Шарқшунослик институти илму маърифатнинг кони. Бу ерда юз мингдан ортиқ араб, форс, ўзбек тилидаги асарлар сақланади. Меҳнаткаш олимлар кечаю кундуз шу асарлар устида иш олиб борадилар. Институтга республиканинг турли ерларидан, Тошкентдаги илмий муассасалардан, олий ўқув юртларидан олимлар ва талабалар келишади. Баъзан ёшларни кузатаман. Улар йўлакдан ўтиб боришаркан, бу ердаги олимларга дуч келишса ҳам, салом бермай ўтиб кетаверадилар. Ахир бу ерда одобли, Шарқ маданиятини яхши билган олимлар ишлайди-ку! Ахир бировнинг уйига кирганда салом бериб кирилмайдими?!

Салом икки қалбни боғловчи йўлдир,
Саломсиз қалб ичи мисоли чўлдир.
Эл учун азизу муҳтарам бўлди,
Ҳар кимнинг тилида саломи мўлдир.

Институтимизга гоҳида ёш йигит ва қизлар қўлёзмалардан фойдаланиш учун келадилар. Уларнинг албатта менинг олдимга киришлари шарт, негаки қўлёзмалардан фойдаланиш учун рухсатномаларига мен қўл қўйишим керак. Баъзан йўлакда кетаётиб, уларга дуч келаман ва салом берармикин, деб кутаман. Кўзимга тикилиб ўтиб кетишаверади, шу ердаги бир олим одам бўлса керак, саломлашиб ўтайин, деган фикр хаёлларига ҳам келмайди. Қайтиб келсам, эшигим олдида мени кутиб турган бўлишади. Хижолат чекиб, «Кечирасиз, танимабман», дейишади. Салом бериш учун таниш бўлиши шартми? Баъзан уларга адаб бўлиши учун ўзим салом бераман. Ҳайрон бўлишади.

Саломда ажойиб бир сеҳр бордир,
Зимнида туганмас бир меҳр бордир.
Саломга бахиллик қилган кишига,
Кўнгилда нафрату ҳам қаҳр бордир.

Бир куни эшигим олдида бир киши билан гаплашиб турардим. Узоқдан бир йигит кўринди. Йўлакда учраган олимларга салом бермай келарди. Эшикларга назар солганича, салом бермай, бизнинг олдимиздан ўтиб кетди. Яна орқага қайтиб келиб, хона эшигидаги менинг исмимни ўқиди-да, эшикни итарди. Эшик қулф эди. Сўнг биздан менинг қаердалигимни сўради.

— Ўзбекмисиз? — дедим унга.

— Ҳа, — деб жавоб берди у.

— Ота-онангиз борми?

— Бор, — деди у.

— Ота-онангиз «Ўзингдан катталарни кўрсанг, салом бер, демаганми? Мактаб ўқитувчиларичи?» Институт бу ердаги олимларнинг иккинчи хонадони. Ҳар ким бировнинг хонадонига кирса, салом бериб кирмайдими? Сиз салом бермаслик билан нафақат ўзингизни, балки ота-онангизни ҳам, таълим берган мактаб ўқитувчиларини ҳам, институтдаги домлаларингизнинг ҳам шаънига доғ туширдингиз. Ҳадиси шарифда: «Ҳар ким сизлар билан саломлашмай туриб сўз бошласа, у билан гаплашманглар», дейилган. Агар сиз билан сўзлашишга киришсак, ҳадис ҳукмига амал қилмаган бўламиз, — дедим унга.

У дарҳол:

— Ассалому алайкум, домла, кечирасиз, менга ажойиб танбеҳ бердингиз, ҳеч ким менга бундай сўзни айтмаган эди, сўзларингизни албатта ёдимда тутаман, унга амал қиламан! — деди.

Бир куни уни бошқа қаватда кўриб қолдим. Орқасидан кузатиб турдим. У дуч келган аёл ва эркакка салом бериб кетарди.

Буюк бир қувватга эгадир салом,
Эгилмас бўйинни эгадир салом.
Юракдан гинаю аразни қувиб,
Муҳаббат уруғин экадир салом.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

КУЛГИ — ЧЕҲРАНИНГ ГУЛИ

Миллатимизнинг кулгига, ҳазил-мутойибага монанд эканлигини ҳеч қайси халқда йўқ аския санъатини доимий эъзозлаб келишимизнинг ўзи яққол исботлаб турибди. Зеро, бирон-бир байрам ёки тантанали кечаларимиз аскиячилар пайрови ёки қизиқчиларнинг теша тегмаган, тахи бузилмаган қочиримларисиз ўтмайди. Шу жиҳатдан олганда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ўтган йили «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида аския кечасини ташкил этиб хайрли ишга қўл урган эди. Бу хайрли ташаббус шаҳримиздаги бошқа боғларга ҳам кўчиб ҳамюртларимизни беҳад қувонтирганди.



«Боғи Эрам»да — аския кечаси

Ўтган шанба куни республикамизнинг узоқ-яқин гўшаларидан кулги ва аския шинавандалари яна «Боғи Эрам»га аския кечасида қатнашиб кўнгилларини хушлаш учун ташриф буюришди. Шуни таъкидлаш керакки, боғнинг марказий майдони тадбир бошланишидан анча илгари кулгисеварлар билан лиқ тўлди. Миллий удумимизга кўра нуроний отахон ва онахонларга тўрдан жой берилди.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллик тўйига бағишлаб ташкил этилган кулги кечасига Кўқондан Жўрахон Пўлатов, Марғилондан Мамасиддиқ Ширяев бошчилигидаги аскиячилар ташриф буюришди. Абулқосим Тўйчиев бош-қош бўлган тошкентлик аскиячилар эса мезбон бўлишди.

Аскиячилар боғнинг тўрт томонини тўлдирган мухлислар даврасига «Тўйлар муборак» ашуласини айтиб киришганларида сайилгоҳ қарсакларидан ларзага келди.

Кулги кечасини Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев очиб, ўзининг «Аския байрами бўлсин муборак!» шеърини ўқиб бергач, боғда бир зум бўлса-да қаҳқаҳа тинмади. Жўрахон Пўлатов, Йўлдошхон Носиров, Мамасиддиқ Ширяев, Ҳотамжон Ҳакимжонов, Абулқосим Тўйчиев, Убайдулла Абдуллаев, Жалолиддин Раҳимов, Абдулла Акбаров ва бошқа кулги усталари мева, бозор, ош, кўрсатувлар, дўхтир пайровларини қойиллатиб ижро этишди. Йиғилганлар Кўқон, Марғилон ва Тошкент аскиячиларининг бирин-кетин чиқишларини томоша қилиб, улар маҳоратини баҳолаб боришди. Аскиялар орасида Ўктам Аҳмедов, Абдулҳай Каримов, Марьям Сатторова, Абдуқаюм Усмонов каби қўшиқчиларнинг мумтоз ва замонавий қўшиқларни қиёмига етказиб ижро этишлари кулгисеварлар дилларига янада ҳушнудлик бахш этди. Ичакузди аскиялар кулги шинавандаларининг шўх рақсларига уланиб кетди.

Кеча давомида Соҳиб Мамасолиев, Абдулла Акбаров, Искандар Ҳамроқулов каби ёш қизиқчилар ўзларининг алоҳида чиқишлари билан даврага алоҳида файз бағишлашди. Тадбир якунида барча аскиячиларнинг бараварига даврага чиқиб «Гала пайров»ни ўтказганлари айниқса кулгисеварларга катта завқ бағишлади. Энг муҳими, Аския кечаси тунги соат ўн бирларга қадар давом этган бўлса-да боғни шинавандалар тарк этишмади.

Тадбир сўнггида энг кўп кулган, завқли-шавқли аскиясевар отахон ва онахонларга Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан ажратилган махсус совғалар — мусиқий марказ, плейер, тефаль чойнакларини Абулқосим Тўйчиев, Жўрахон Пўлатов каби аския сардорлари, туман ҳокими Абдуазим Мажидовлар топширишди. Энг қувонарлиси, эндиликда ҳар йили шу вақтда ушбу боғда Аския кечаси мунтазам ташкил қилинадиган бўлди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Боғи Эрам»да аския кечаси мана шундай файзли ўтди.
Сергей Любчич олган суратлар.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Ғолиблар Осиё чемпионатида қатнашади

МУАЙТАЙ

Яккасарой тумани ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда «Тўқимачи» стадионида муайтай спорт тури бўйича халқаро турнирни ташкил этди. Турнирда жаҳондаги энг кучли тайбоксчилардан турли хил вазндаги жами 20 нафар спортчи, шулар орасида қозоғистонлик 5 та тайбоксчилар қатнашишди. Ушбу турнир соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, шунингдек, Ватан ҳимоячиларини тайёрлашдек хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилди. Бу борада тадбир «Муайтай — болаларнинг жиноятчилигига қарши», «Муайтай — мафкуравий бузғунчиликка қарши», «Ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан баркамол ўсиши учун» каби ғояларни ўзига шиор қилиб олган.

Биз Ўзбекистон муайтай федерациясининг президенти, Жаҳон муайтай федерациясининг вице-президенти, халқаро А гуруҳи тоифасидаги ҳакам Замирбек Қосимбековдан спортнинг муайтай тури Ўзбекистонда қай даражада тарқалгани, ўзбек тайбоксчиларининг жаҳонда тутган ўрни ҳақида сўраганимизда у шундай жавоб қилди:

— Ўзбекистон уч йилдан бери муайтай бўйича Осиёда Таиланддан кейин 2-ўринда, жаҳонда 3-ўринда турибди. Ёшларимизнинг муайтайга қизиқиши кучли. Бизнинг муайтайчиларимиз асосан Қуролли Кучлар сафида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларда, хавфсизлик хизматида (жумладан, ИИВ, МҲХ, солиқ полицияси) ўқишади, фаолият юритишади. Улар жаҳон биринчилиги

ёки чемпионати ғолиблигини қўлга киритиб қайтгач, юқорида санаб ўтилган органларга ишга киришади. Спортдан олган тарбияларини ўз ишларида татбиқ қилишади.

Биз ҳозир Қозоғистонда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраяпмиз. Ушбу чемпионатда ҳам биринчиликни олиб келиш ниятимиз бор.

Яккасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов Ўзбекистон муайтай федерацияси раисининг биринчи ўринбосари. Шу сабабли туман ҳокимлиги ҳомийлигида биз ўз мусобақаларимизни шу тумандаги «Тўқимачи» ўйингоҳида ўтказамиз.

Шунингдек, бизга «Тоштўқимачи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Тоштўқимаш» корхонаси ва бир қатор қўшма корхоналар ҳомийлик қилишади.

Турнир ғолибларидан бири 67 килограмм вазндаги 4 карра Ўзбекистон чемпиони Фурқат Мусинов ўз фаолияти ҳақида шундай дейди:

— Мен муайтай спорт тури билан 6 йилдан бери шуғулланаман. 1996 йил МДҲ чемпиони бўлганман. 1999 йил Европа чемпионатида кумуш медаль совриндори, 2000 йил Бангкокда ўтказилган жаҳон кубогида ҳам кумуш медаль совриндори бўлдим. Гиёвандликка, терроризмга ва барча иллатларга қарши курашиш — муайтайнинг шиоридир. Шу сабабли мен айнан шу спорт турини танлаганман. Мана бугун халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлдим. Келажакдаги ниятларимга келсак, ўқишимни битириб, зобит бўлгач, муайтайни Қуролли Кучларимиз сафида янада кенгроқ ривожлантирмоқчиман. Президентимиз айтганларидай, спорт — мамлакатни дунёга танитади. Мен ҳам муайтай спорт тури орқали Ватанимнинг байроғини янада юқорига кўтармоқчиман.

Яна бир ғолиб, 60 килограмм вазндаги спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси Нуриддин Ҳожиёров нима учун айнан шу спорт турини танладингиз? саволига қуйидагича жавоб қилди:

— Мен муайтай билан 1997 йилдан бери шуғулланиб келаман. Бу спорт тури менга жуда ёқади. Чунки у ўзида бир неча спорт турлари — бокс, у-шу, таэквандо, каратэларни жамлаган. Муайтай билан ёшлар қанча кўп шуғулланса, шунча яхши. Мана яқинда Осиё чемпионати бўлади. Шу чемпионатда яхши иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритмоқчиман.

Турнир сўнггида ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шу қаторда Фурқат Мусиновга энг яхши муайтай рақси ижро этгани учун ҳам махсус совға топширилди. Биз ёш муайтайчиларимизга Осиё чемпионатида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Азиза ИЛҲОМОВА
СУРАТЛАРДА: муайтай бўйича халқаро турнир баҳсларидан лавҳалар.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

КЕЧА

ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ЮГУРИШИ

Шоҳсупа тўрида — тошкентликлар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофида Халқаро олимпия куни ташкил этилганлигининг 107 йиллиги ва Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган IX бутунреспублика югуриш мусобақалари бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, 1987 йили асос солинган ва жаҳон мамлакатларидаги барча миллий олимпия қўмиталари томонидан ўтказилиб келинадиган халқаро олимпия югуриши кунида олти ёшдан саксон ёшгача бўлган 197 давлат югурувчилари қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Миллий Олимпия қўмитаси, Республика Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти, енгил атлетика федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ва бош ҳомийси «Кока-Кола» компанияси бўлган ушбу тадбирда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жами 900 га яқин югуриш усталари иштирок этди.

Тадбирни очар экан Ўзбекистон МОҚ президенти Собир Рўзиев олимпия югуришининг барча қатнашчиларига ХОҚси президенти маркиз Хуан Антонио Самаранч табрик йўллаганини билдириб, уларга омад тилади.

Беллашувни болалар боғчалари тарбияланувчилари бошлаб берди ва биринчи ўринни Ҳамза туманидаги 149-боғча тарбияланувчиси Абдулазиз Бургутхонов эгаллади. Ногиронлар аравачасида ўтказилган пойгада ҳам ҳамшаҳримиз Ғани Бобожонов ғолиб чиқди.

Сўнг 9 тадан ёш тоифасида ўсмирлар, қизлар, аёллар ва эркаклар баҳс юритишди. Қувонарли томони шундаки, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғоналаридан асосан тошкентлик югурувчилар ўрин олишди.

Жумладан, 20-39 ёшлилар ўртасида Аъзам Алиев, 65 ва ундан юқори ёшдаги аёллар баҳсида Лилия Полонская, 70 ёшли ва ундан катта эркаклар ичида ўтган йилги мусобақа ғолиби Николай Татаринов, 35-45 ёшли аёллар ўртасида Елена Якушко, 55-64 ёшли аёллар баҳсида Ольга Веселова каби ҳамшаҳарларимизга тенг келадиганлар топилмади. 16-17 ёшли қизлар ўртасида ғолиб бўлган тошкентлик Анна Сидорова эса бир ойдан кейин Венгрияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Мусобақаларда Россиянинг юртимиздаги элчихонасининг 12 нафар ходими ҳам қатнашди.

Барча ғолиб ва совриндорлар ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, дипломлар билан тақдирланди. Мусобақанинг ҳамма қатнашчиларига ХОҚсининг сертификатлари топширилди.

83 ёшли ҳамшаҳримиз Иван Митякин «Энг кекса қатнашчига» махсус совриннни билан тақдирланган бўлса, Киршин ва Медянскийлар оиласига ҳам фаоллиги учун эсдалик совғаси берилди.

Даврон ИСАЕВ
СУРАТЛАРДА: олимпия югуришидан лавҳалар.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

«БИЗ — «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАГИМИЗ»

«Шарқ» маҳалласи — шаҳар чемпиони

Ўтган шанба куни ишқибозлар билан гавжум «Пахтакор» стадионида 9-11 ёшли болалар ўртасида туманлараро мусобақаларнинг ғолиблари бўлмиш Чилонзор туманининг «Шарқ» ҳамда Акмал Икромов туманининг «Оқтепа» маҳаллалари ўсмирлари «Биз — «Пахтакор» келажагимиз» мусобақалари доирасида шаҳар чемпионини аниқлаш мақсадида финал баҳсига тушишди.

Ушбу беллашув ҳақиқий финал баҳсига мос равишда кескин ва муросасиз кечди. Биринчи бўлимда 3:0 ҳисобида «Шарқ» жамоаси олдинга чиққан бўлса, танаффусдан сўнг хатолардан тўғри хулоса чиқарган «Оқтепа» жамоаси ҳисобни тенглаштирди 3:3. Фақат «Шарқ» жамоаси ҳужумчиларининг улкан саъй-ҳаракатлари билан қизиқарли ўйин 5:3 ҳисобида чилонзорликларнинг ғалабаси билан тугади.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов сўзга чиқиб болаларни ҳаётларидаги эришган илк муваффақиятлари билан табриклаган ҳолда «Шарқ» жамоасига махсус кубокни топширди. Шунингдек, Республика оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов, шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоевлар ҳам ғолиблар ва турнир қатнашчиларига ўзларининг энг эзгу тилакларини билдиришди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош ҳомийлигида ғолибларга ажратилган совғалар ҳам мўл бўлди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳам ғолибга ўзи ажратган Кубокни топширган бўлса, ғолиб ва финалчи, 3- ва 4-ўринлар соҳиблари — Шайхонтоҳур туманидаги «Боғқўча» ва Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров маҳалласи ёш футболчиларига футбол кийимлари, магнитофонлар тақдим этилди. Бундан ташқари, «Энг зўр ҳужумчи», «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ярим ҳимоячи», «Энг ёш ўйинчига» совринлари ҳам ўз эгаларини топди. Ғолиб жамоалар мураббийлари ва маҳалла оқсоқоллари муносиб тақдирланди.

«Шарқ» ва «Оқтепа» жамоалари аъзоларига «Фонон» корхонаси томонидан тайёрланган олтин ва кумуш нишонлар топширилди.

21 июнь куни 15-16 ёшли болалар ўртасида шаҳар чемпиони аниқланади.

Дамир НУРМАТОВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Сахий ўқувчи

Молдавиянинг Бельц шаҳридаги мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Таня ўзининг сахийлиги билан мактаб ўқувчилари орасида шуҳрат қозонди. У ким билан яхши муносабатда бўлса унга ҳар хил ширинликлардан тортиб ўйинчоқларгача олиб борадиган бўлди. Икки дугонасига ҳатто 430 лейдан пул инъом қилди. Бундай маблағни ҳар қандай катта киши ҳам бир ойда ишлаб топа олмайди бу ерда.

Маълум бўлишича, мактабдаги бу «бойвучча» ота-онаси яшириб қўйган пулларини топиб олган экан. Бир неча кун ичида Таня минг долларга яқин пулни тарқатиб юборибди. Бу ҳодисадан сўнг Танянинг ота-онаси анча сергак тортишди...

Виждон амри

Кёльн шаҳри фуқароси доллар тўла сумка билан полицияга кириб келганида, постдагилар бир-бирларига ажабланиб қарашди. Бунақаси ҳали бўлмаган эди... Бир сумка пул, бундай пайтда унчамунча одам ўзини йўқотиб қўйиши турган гап.

Аммо минг эмас, беш минг эмас, ўн беш минг долларни топиб олган хоним ўта виждонли чиқиб қолди. Тартиб-интизомни, ҳалоллик ва диёнатни ҳамма шу аёл каби қадрласа-ку...

Банкда ўз ҳисобига бу пулни қўймоқчи бўлган одамнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қиларсиз. Полиция маҳкамаси орқали ўз жамғармасига қайтадан эга бўлган ҳалиги киши суюнчига бир шиша шампан винози ва маълум миқдорда пул берди.

Виждон амри билан иш тутишга ҳамма ҳам қодир эмас...

Хасталикни даволаш йўли

«40 ёшдан сўнг юракнинг ёғ босиши билан курашинг» деб уқтиради олима Памела Пик ўз китобида. Унинг хулосасига кўра, сурункали руҳий зарбалар ўрта ёшдаги барча эркак ва аёлларда юракнинг ёғ босишини келтириб чиқарар экан.

Ким томонидандир руҳий азоб «еган» кишининг юраги атрофида ёғ пайдо бўлдими, демак унинг вазни оша бошлайди. Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, ҳар ҳафтада 30-40 дақиқалик бадантарбия машғулотларини бажариш тавсия этилади. Шунингдек, оқсил ва ёғ моддаларига тўйинган озиқ-овқат маҳсулотларидан киши ўзини мумкин қадар тийиши керак.

Токка чидамли йигит

Магнитогорск — Картали йўналиши бўйича қатнайдиган электричка томига 26 ёшли ширакайф йигитнинг бирдан чиққиси келиб қолди. Чиқди ҳам. Аммо электричканинг дугаси уланган жойга келганда бечорани 27 минг вольтли ток шундай урдики, у анча нарига учиб тушди. Йигитнинг бадани 20 фоиз куйган эди. Уни дарҳол касалхонага ётқизишди.

Аммо шифокорлар унинг тирик қолганига ҳайронлар. Чунки Америкада ўлимга маҳкум этилган жиноятчини электр стулида ўлдириш учун йигитчани урган токка қараганда тўрт баробар кам ток етарли экан.

«Нон-Паста» ҲЖ жамоаси агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси Наилия Умарованинг укаси
Қобилжон ОДИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2507.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6